ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ЭКСПОРТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни янада яхшироқ амалга ошириш, экспорт-импорт операцияларини тариф ва нотариф бошқариш усулларини тартибга солиш, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, республиканинг экспорт салоҳиятини ўстиришни таъминлаш масаласини ҳал эта бориб, 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб, товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) барча турига экспорт божхона божлари, шунингдек, махсус маҳсулот турларининг кичик бир гуруҳини истисно этганда, товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини лицензиялаш бекор қилинади.

Рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири эканини ҳисобга олган ҳолда, 1997 йил 1 ноябрдан ўзи ишлаб чиққан товарларни (ишлар, хизматларни) эркин муомаладаги валютага экспорт қиладиган корхоналар учун қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш жорий этилади.

Хусусан, харидорларга хизмат қиладиган ваколатли банкларнинг кафолати бўлган, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган валюта тушиши муддатларига риоя қилинган ҳолда, бу корхоналарга ўз маҳсулотини олдиндан пул олмасдан ва аккредетив очмасдан экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.

Маҳсулот ички бозор нархларидан арзон нархларда экспорт қилинган тақдирда корхоналар учун солиқ олинадиган база экспорт маҳсулотини сотишдан тушган амалдаги нарх билан ҳисоб-китоб қилинади.

Экспорт қилинаётган товар улуши маҳсулотни сотишнинг умумий ҳажмининг 30 ёки ундан кўпроқ фоизини ташкил этса, улар учун даромад солиғи ставкаси амалдаги ставкага қараганда икки баравар камайтирилади.

Фармондаги ўз маҳсулотини МДҲ мамлакатларига эркин муомаладаги валютада экспорт қилаётган корхоналар 1998 йил 1 январдан бошлаб акциз солиғи ва ҳукуматлараро битимларда бошқа жиҳат кўзда тутилмаган бўлса, қўшимча қийматга солинадиган солиқдан озод қилиниши ҳақидаги қарор маҳсулотини экспорт қиладиган корхоналар учун мақбул шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ғоят муҳим рағбатдир.

Белгиланган имтиёзлар аниқ йўналишга эга бўлиб, экспортга юксак даражада ишланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни рағбатлантириш учун қабул қилинган. Шунинг учун ҳам кўрсатилган имтиёз ва преференциялар савдо-воситачи ташкилотларга, шунингдек хом ашё ресурсларини (рангли ва қимматбаҳо металлар, қора металлар прокати, нефть, табиий газ, пахта толаси ва линт) экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналар учун мақбул шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ғоят муҳим рағбатдир.

Фармонга мувофиқ, ташқи бозорларни маркетинг тадқиқотлари билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реклама қилиш мақсадида ўз маҳсулотини экспорт қиладиган мулкнинг барча шаклидаги ишлаб чиқариш корхоналарига хорижда савдо уйлари ва ваколатхоналар очиш ҳамда уларга консигнация шартларида товарлар етказиб беришга рухсат этилади.

Ўзбекистондаги товар ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилишни таъминлаш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотни ички бозорда рақобатбардошлилигини ошириш учун шароит яратиш мақсадида импорт божхона божлари қайта кўриб чиқилиб, бу божларнинг янги, унификация қилинган ставкалари тасдиқланди. Бу ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Божхона тарифи ҳақида»ги Қонунига мувофиқ 1998 йил 1 январдан бошлаб божхона божлари товарнинг (ишлар, хизматларнинг) божхона қийматидан келиб чиқиб ҳисобланиши эътиборга олинган.

Экспорт-импорт операциялари билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларни ахборот билан таъминлашни яхшилаш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идораларга шу йилда давлат ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш топширилган.

Фармонда экспорт-импорт операцияларини тариф ва нотариф йўли билан бошқаришнинг барча меъёрлари, шунингдек экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар акс этгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг илгари қабул қилинган айрим қоидалари ўз кучини йўқотади.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 14 октябрь, сешанба № 120 (22.204).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони назорат инспекциясининг йиғилиши бўлди. Унда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг 7 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишида Президент Ислом Каримов сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда, қатор вазирлик ва идоралар томонидан «1997 йилда пахта ҳосилини йиғиб-териб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди. Шунингдек, «Дропп» ва «Дропп ултра» номли хориж дефолиантларини сотиб олиш ва улардан фойдаланиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

* * *

13 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур комиссия раиси Ў. Султонов бошқарди.

Республика комиссияси ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг устувор масалаларини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар олдида турган энг долзарб масалалар ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишни таъминловчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Мажлисда республика Бош вазири, комиссия раиси Ў. Султонов ва Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев маъруза қилдилар.

* * *

13 октябрь куни Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий масалалар, фан ва маданият мажмуининг тўққиз ойлик якунларига бағишланган йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик, компания, қўмита, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни республика Бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди.

Йиғилишда ижтимоий соҳадаги ҳукумат қарорлари, жумладан, «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарор қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

* * *

13 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен бошқарди.

Мажлисда тегишли вазирликлар, идоралар, бозор тузилмаси муассасалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этди. Мажлисда республикада амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича кейинги тўққиз ой якунлари кўриб чиқилди.

* * *

Ўзбекистон Марказий банкида республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлди.

* * *

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистон ва араб дунёси — тараққиёт йўлидаги ҳамкорлар» деб номланган халқаро кўргазма очилди.

ҒАЛАБА ХАБАРЛАРИ

«Пахта — 97»

Одамлари меҳнаткаш, табиати сўлим ва дилтортар бўлган Булоқбоши Андижон вилоятининг кенжа туманларидан ҳисобланади. Туман янги ташкил топганидан сўнг ўтган йиллар давомида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан анча ривожланишга эришди. Истиқлол ҳавосидан нафас олиб меҳнат қилаётган туман аҳли ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида қувончли ютуқларни қўлга киритиб келяпти.

8 октябрда туман пахтакорлари вилоятда учинчи бўлиб, пахта тайёрлаш йиллик режасини адо этди. Қабул пунктига 10 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этилди. Деҳқончилик қилинган 3442 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қўзланган ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳар гектар ҳисобига 29 центнердан, плёнка остига экилган 1761 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта йиғиштириб олинди.

Қўлга киритилган ютуққа тумандаги Ойбек, Абдумўмин Қаюмов, Алишер Навоий, Бакир Ражапов, Жўраполвон, Улуғбек номли жамоа хўжаликлари пахтакорлари салмоқли улушларини қўшдилар.

Айни кунда туман далаларида пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг сўнгги мисқоягача териб олиш ҳаракати авжига чиққан. Теримда барча-барча юксак уюшқоқлиқ билан иштирок этяпти. Туман пахтакорлари ҳосилдорликни 40 центнерга, ялпи хирмон салмоғини 12 минг тоннага етказишга аҳд қилганлар. Бугунги кунда ана шу йўлда астойдил меҳнат қилиняпти.

А. ЖАЛИЛОВ,
Андижон вилояти Булоқбоши тумани ҳокими.

***

Китоблик пахтакорлар 12 минг тонна ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиб, йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб бажардилар.

— Президентимиз вилоятимизда бўлганларида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачиликни ривожлантириш борасида қимматли маслаҳатлар бердилар, — дейди туман ҳокими Ўктам Хидиров. — Биз уларга оғишмай амал қиляпмиз. Бу йил 4516 гектар ерга чигит экилган бўлса, шундан 1660 гектари туманга қарашли Қарши даштидаги Беруний номли хўжалигимизга тегишли эди. Китобнинг ўзидаги пахтазорларда ҳосилдорлик 33 центнердан ошди. Саъдулла Шукуров, Садриддин Ғойибов, Мирзо Каримов, Хадича Шайманова каби тажрибали деҳқонлар етакчи бўлган бригадаларда ҳосилдорлик 39-45 центнерга етди. Ўрал Хуррамов, Пўлат Эрназаров каби механизаторларимиз, Маҳсума Абдиева, Саида Тўраева каби теримчиларимиз кўпчиликка ўрнак бўлишди. Эришилган муваффақиятда «Навбаҳор», Мели Бобоев номли, «Зарафшон», Каромат Рустамова, Раззоқ Шайманов номли хўжаликларнинг улуши катта бўлди.

Юнус УЗОҚОВ.

***

Усмон Юсупов тумани деҳқонлари йиллик пахта топшириш режасини бажардилар. Давлат омборларига 32500 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Мавжуд ҳосилнинг 8200 тоннаси терим машиналари бункерларидан тўкилди. Ялпи ҳосилдорлик 35 центнерни ташкил этди.

— Чигитни плёнка остига экиш усули боис ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олдик, — дейди туман ҳокими Ё. Турсунов. — Бунда «Женов», «Миришкор», Янгиобод жамоа хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди. Энг қувонарлиси жорий йилда фақат пахтанинг ўзидан 700 миллион сўм даромад олаяпмиз. Ниятимиз катта. Мазкур маблағни туман аҳолисини тоза ичимлик суви, газ ва уй-жой билан таъминлашга сарфламоқчимиз.

Илҳом КАРОМОВ.

***

Тахтакўпир тумани пахтакорлари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб пахта топшириш режасини бажардилар. Бу ютуққа «Тахтакўпир», «Мақпалқўл» ижара-овул хўжалиги уюшмалари 545-640 тоннадан пахта топшириб, муносиб улуш қўшдилар. Шунингдек, «Ўзбекистон», Н. Жапақов номли ижара-овул хўжалиги уюшмалари ҳам ғайрат кўрсатдилар. Туман пахтакорлари қўшимча яна 1500 тонна пахта топширишни мўлжаллашмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

***

Бешариқ тумани пахтакорлари давлатга 33 минг 500 тоннадан ортиқ саноат хом-ашёси етказиб, вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани уддалашди. Гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтарилди. «Рапқон», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари, «Яккатут», «Дўстлик» «Намуна» ширкат уюшмалари қўшган ҳиссаси ҳам салмоқлидир. Ғолибларга аталган «Нексия» автомашинасини вилоят ҳокими Н. Мўминов Бешариқ пахтакорларига тақдим этди.

Алишер ИБОДИНОВ.

БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Бухоро ва Хева шаҳарларининг қутлуғ 2500 йиллиги тўйи тобора яқинлашмоқда. Улкан умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бу тантаналарнинг юксак савияда ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ушбу юбилейларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоларидан бир гуруҳи Хевага келди. Бу ерда тегишли вазирлик, қўмита, уюшма ва идоралар раҳбарлари иштирокида юбилейга ҳозирлик қандай бораётгани муҳокама этилди, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар кўздан кечирилди.

Республика маданият ишлари вазири Х. Жураев, юбилей театрлашган томошасининг бош режиссёри Р. Ҳамидов ахборот берди. Узбекистон Фанлар академияси президенти Т. Жураев юбилей муносабати билан ўтказиладиган илмий конференцияга ҳозирлик билан боғлиқ масалаларга тўхталди. Йиғилишда тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказиш юзасидан мутасадди раҳбарларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Муҳокамада Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди. Йиғилишда вилоят ҳокими И. Юсупов қатнашди.

(ЎзА).

ТАРКИБ ЯНГИ, ИШ ЯНГИЧА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг янги коллегия аъзолари иштирокида биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда агентликнинг ўттан 9 ойлик иш якунлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Абдувоҳид Жўрабоев коллегиянинг янги таркиби ва жойлардаги алоқа хизмати ходимлари ишни янгича ташкил этиш лозимлиги ҳақида гапирди. Шунингдек, аҳолига, хизмат идоралари, корхона ва муассасаларга алоқачилар замон талабидан келиб чиқиб намунали хизмат кўрсатиши уқтириб ўтилди. Албатта, коллегиянинг янги таркиби бу борада тинимсиз изланиши керак.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 14 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	56,37
1 Австрия шиллинги	6,21
1 Англия фунт стерлинги	124,17
10 Бельгия франки	21,18
1 Голландия гульдени	38,81
10 Греция драхмаси	2,77
1 Дания кронаси	11,48
1 БАА дирхами	20,83
1 АҚШ доллари	76,49
1 Миср фунти	22,58
1 Ирландия фунти	111,68
1 Исландия кронаси	1,08
10 Испания песети	5,18
100 Италия лираси	4,45
1 Канада доллари	55,50
1 Хитой юани	9,23
1 Қувайт динори	251,82
100 Ливан фунти	4,98
1 Малайзия рингити	24,33
1 Германия маркаси	43,71
1 Норвегия кронаси	10,91
1 Польша злотийси	22,56
10 Португалия эскудоси	4,30
1 Сингапур доллари	49,64
1000 Туркия лираси	0,43
1 Финляндия маркаси	14,58
1 Франция франки	13,02
1 Швеция кронаси	10,09
1 Швейцария франки	52,46
1 ЭКЮ	85,64
10 Жанубий Корея вони	0,84
10 Япония иенаси	6,36
1000 Россия рубли	13,03
1 Украина гривнаси	40,90
1000 Белорусь рубли	2,73
1 Эстония кронаси	6,03
1 Латвия лати	130,53
1 Литва лити	19,12
1 Қозоғистон тенгеси	1,01
1 Қирғизистон соми	4,42

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Жанубий Сахалинда «Сахалин вилояти: ҳамкорлик муаммолари ва истиқболлари» мавзуида симпозиум бўлиб ўтди. Сахалин вилояти ва Япония ҳамкорлигининг иқтисодий, маданий ва инсонпарварлик жиҳатлари муҳокама қилинди.*

* * *

☑ *Словакиянинг курорт шаҳри Пешянида Словакия бош вазири Владимир Мечьяра ва Чехия бош вазири Вацлав Клаус музокаралари бўлиб ўтди. Ҳукумат раҳбарлари собиқ Чехословакиядан қолган мулкни тақсимлаш муаммоларини ҳам кўриб чиқдилар. Клауснинг ташрифи кейинги ойларда бир мунча сусайган қўшни давлатлар муносабатларини мустаҳкамлашга таъсир этади.*

* * *

☑ *Оттавада Россия—Канада ҳукуматлараро иқтисодий комиссиясининг 3-сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида комиссия ҳамкорлари —Россия Федерацияси бош вазири ўринбосари Валерий Серов ва Канада халқаро савдо вазири Сергий Марк қатнашди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари муҳокама этилди.*

* * *

☑ *«Интернет» ахборот тизими маълум қилишича, Покистон «Ахлоқ кодекси»га биноан, мамлакатда ҳукумат қарорига кўра, телевидение орқали «ишқий саргузаштли» фильмлар ва поп музикани кўрсатиш тақиқланди. Бу қарор «телевидение арзон, жўн ва ишқий кўрсатувлар» билан тўлдирилгани, бу эса ҳеч бир яхши нарсага ўргатмаётгани билан изоҳланади. Қўйилиши мўлжалланган фильмларни олдиндан реклама қилиш, эркак ва аёл дикторнинг бир пайтда экранга чиқиши ҳам тақиқланади. Боз устига, аёл дикторлар миллий либосда бўлишлари зарур.*

* * *

☑ *Тожикистонда Ризвон Содиров томонидан гаровга олинганларни алмаштириш бўйича операция бўлиб ўтди, дея хабар беради «Интернет» тизими. Операцияни президент гвардияси қўмондони генерал Ғаффор Мирзоев бошқарди. Президент гвардияси тарқатган манбалар кўрсатишича, дейилади «Интернет»да, Содировнинг ихтиёрида энг камида олти нафар, жумладан Мирзоевнинг ҳам иккита қариндоши бўлган.*

* * *

☑ *Россия Давлат думаси депутатларининг катта қисми ҳукуматнинг 1997 йил 9 ойи бюджетини ижро этиш борасидаги фаолиятини қониқарсиз деб баҳолади. Ҳукумат бюджетга киритилган ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни таъминлай олмагани кўрсатиб ўтилди.*



СУРАТДА: Минораи Калон.

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Партия ҳаёти

ТАШАББУСНИ ҚЎЛЛАБ – ҚУВВАТЛАШЯПТИ

Туманимиз партия кенгаши бошданоқ аҳоли орасида бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ижроия бюро йиғилишлари жойларда кўчма равишда ўтказилмоқда. Буни туманимиздаги барча ХДП бошланғич ташкилотининг аъзолари ва партияга хайрихоҳлар қўллаб-қувватлаяпти. Йиғилишлар ҳар икки ойда бир маротоба бўлиб, уларда қишлоққа саноатни олиб кириш, тадбиркорликни ривожлантириш, маиший хизмат турларини янада такомиллаштириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон ХДП Низоми ва Дастури талабларининг туман кенгашида ҳамда бошланғич ташкилотларда бажарилишини назорат қилиш масалалари муҳокама этилмоқда.

Тумандаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, «Камолот» жамғармаси, туман хотин-қизлар кенгаши ва туман деҳқончилик саноати мажмуи касаба уюшмаси қўмиталари вакиллари йиғилишларимизда ўз ихтиёрлари билан қатнашишяпти. Бу ҳам партиямиз ташаббусига ҳамкорликдан даракдир. Пировардида Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларнинг ҳисоботлари ҳам тингланмоқда. Айниқса, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги, «Кўкдала» ва «Бешчашма» жамоа-ширкат хўжаликларида бўлиб ўтган кўчма ижроия бюро йиғилишлари кишилар ёдида узоқ сақланиб қолди. Шунингдек, барча бошланғич партия ташкилоти қошида маърифатхоналарни ташкил этиш бош мақсад эканлиги уқтирилди. Ва бу маърифатхоналарни ташкил этган партиямиз фаолларини рағбатлантириш ҳам ўз самарасини беряпти. Шу боис бўлса керак, туманимизда аъзоларимиз сони 3250 дан ошди!

Туман партия кенгаши қошида тузилган «Ёшлар клуби» партиямиз Низоми ва Дастурини қўллаб-қувватлайдиган, садоқатли ёшларни тавсия этаётгани учун ҳам ёшлар ҳисобидан аъзоларимиз ошиб боряпти.

Икки оғиз гап партия нашрларига обунани ташкил этиш ҳақида. Ўтган йили бу борада ижобий натижаларга эришиб, вилоятдаги шаҳар ва туманлар орасида иккинчи ўрин билан қаноатланган эдик. Бу йилги мақсад эса келгуси йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиб, вилоятимиздагина эмас балки республикамиздаги шаҳар ва туман партия кенгашлари ичида етакчи ўринни эгаллашдир.

Алибой ДЎХМАРОВ,
Ўзбекистон ХДП
Чироқчи туман кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Бугунги кунда мамлакатимизда маданий ва маиший хизматни яхшилаш масаласи долзарб бўлиб турибди. Ишни яхши ташкил этиб, мижозлар кўнглига йўл топаётган корхоналарнинг жамоалари бу борада сезиларли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Тошкентдаги очиқ турдаги 2-автокомбинат ҳиссадорлик жамияти ҳам иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоалардандир.

Ушбу корхонада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида бирмунча ишлар қилинди. Аввалambор автокорхона 1995 йилнинг декабрь ойида очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Меҳнат жамоасига акцияларнинг 51 фоизи, давлатга 26 фоизи ажратилди. Хорижлик инвесторларга ажратилган 23 фоиз акциялар эса ҳозирча сотилмай турибди.

Номинал қиймати 500 сўмлик бўлган акциялар ишчи-хизматчиларга меҳнат стажига қараб 50 тадан 200 донагача тарқатилди. Ўтган йил якунларига кўра, ҳар бир акция учун 170 сўмдан дивиденд тўланди. Одамлар мўмай даромад олишди. Ҳатто 50—60 минг сўм санаб олганлар ҳам бор.

Хизмат ва ҳиммат

Шу боис бўлса керак, жамиятда кейинги йилларда мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ошди. 484 та «Доган», «ГАЗ-24» автомашиналари ҳар куни техник жиҳатдан созланган ҳолда йўлга чиқарилмоқда.

— Биз кейинги пайтларда мижозларга хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга интиляпмиз, — дейди жамият раиси Убайдулла Валиев. — Бунинг учун аввало 12 та «ДЭУ» русумидаги суперсалонли автомобиллар ва 35 та «Нексия» автомашиналари сотиб олдик.

Умуман олганда, жамият аъзолари 1300 машина билан мижозларга хизмат кўрсатишаётир. Жамоа яна 10 та суперсалон, 15 та «Нексия» автомашинаси олиш ниятида.

Айни пайтда жамиятда 372 киши ижара пудрати асосида ишламоқда. Босит Абзихонов, Александр Жданов, Акмал Ҳайдаров, Ғайрат Турсунқулов сингари ҳайдовчилар кўпчиликка ибрат бўлишаётир.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚАРОРГА ҚАРАШДИ-Ю, ҚОНУННИ УНУТИШДИ»

Газетанинг шу йил 27 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири Оқил Обидовдан қуйидаги жавоб хати олинди.

ҚОНУННИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 27 сентябрь сонидаги «Қарорга қарашди-ю, қонунни унутишди» сарлавҳали мақоласида Меҳнат вазирлиги чет элларда ишлаш учун фуқароларни ёллаш ва ишга жойлаштириш фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган «Жафар» фирмасини юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишига рухсатнома бермаётганлиги ҳақида кўрсатилиб ўтилди.

Меҳнат вазирлиги бу мақолага ўзининг қатъий норозилигини билдириб, муаллиф Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қабул қилган қарор ва низомлар асосида республикамизда фуқароларни хорижга ишга сафарбар қилиш бўйича ўрнатилган тартибни нотўғри талқин қилганлигини кўрсатиб ўтишни ва ўрнатилган тартиб юзасидан масалага аниқлик киритишни лозим деб ҳисоблади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни 19-модда 4-бандига мувофиқ юридик шахсларнинг чет элларда ишлаш учун фуқароларни ёллаш ва ишга жойлаштириш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги рухсатномаси асосида амалга оширилиши мумкинлиги кўзда тутилган эди.

Қонунда кўрсатилган рухсатномаларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 майдаги 235-сонли ва 1993 йил 14 июлдаги 353-сонли қарорларида ўз ечимини топган эди.

Лекин, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 июлдаги 287-сонли «Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятини тартибга солиш ҳамда мувофиқлаштириш қисмига мувофиқ ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрда 408-сонли қарори қабул қилиниб, **юқорида қайд этилган Ҳукумат қарорларининг юридик шахсларга фуқароларни чет элларда ишлаш учун ёллаш ва ишга жойлаштириш фаолият турига рухсатнома бериш бекор қилинган.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сонли қарорида хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар ишчи кучини чет элга чиқарувчи воситачи юридик шахсларга эмас, балки бевосита Ўзбекистон фуқароларига, улар томонидан шахсий шартномалар тақдим қилинган тақдирда, ташкилотлараро комиссия қарори асосида Меҳнат вазирлиги томонидан берилиши тартиби ўрнатилган.

Бу ҳақда «Жафар» фирмасининг раҳбари Р. Рузметовга, унинг қилган мурожаатларига жавобан, бир неча бор тегишли тушунтиришлар берилган.

Шу ўринда, биз Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Жафар» фирмасининг мурожаатига 1997 йил 11 августдаги 01-03-83 сонли жавоб хатидан қисқача кўчирма келтиришни лозим топдик:

«... Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1994 йил 18 апрелдаги қарори билан тасдиқланган, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона (ташкилотлар) шуғулланиши мумкин булган фаолиятлар тури рўйхатида сиз талаб қилаётган фаолият тури, яъни чет элларда ишлаш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ёллаш ва ишга жойлаштириш фаолияти кўзда тутилмаган ва бундай рухсатномалар бериш ҳуқуқига эга вазирлик, идоралар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги киритилмаган».

Ушбу масала юзасидан мақола муаллифининг илтимосига кўра, уни меҳнат вазири қабул қилди. Суҳбатда вазирликнинг халқаро алоқалар етакчи бўлимининг бошлиғи С. Саиназирхонов қатнашиб, суҳбат давомида муаллифга республикамизда Ўзбекистон фуқароларини чет элда фаолият юритишлари масаласи бўйича мавжуд қонун, қоидалар ва низомлар тўғрисида батафсил тушунтириш берилди.

Лекин, афсуски, бўлиб ўтган суҳбатда вазирнинг ушбу масала юзасидан берган тушунтиришлари мақолада муаллиф томонидан бир ёқлама кўрсатилган. Суҳбатда мақолада кўрсатилганидек «... Қонун эскирган» деган гап умуман бўлмаган. Аксинча, Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг тегишли бобларига, жумладан, 19-моддаси 4-бандига ҳам, олиб борилаётган ислоҳотлар чуқурлашаётган ҳозирги кундаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда мутахассислар томонидан қўшимча ва ўзгаришлар киритилгани ва кўриб чиқиш учун Ҳукумат эътиборига тақдим қилиш учун тайёрлаб қўйилгани, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида зикр этилган қарор ва низомларида юридик шахсларга чет элларда ишлаш учун фуқароларни ёллаш ва ишга жойлаштириш фаолиятига рухсатнома бериш бекор қилинганлиги муносабати билан «Жафар» фирмасига ҳам бундай рухсатнома бериш мумкин эмаслиги ҳақида айтиб ўтилган. Аммо, шунга қарамай, мақолада ушбу ўрнатилган тартиб-қоидалар ҳақида бир оғиз ҳам сўз юритилмаган. Н. Шакаров Ўзбекистон фуқароларининг чет элда фаолият юритишнинг республикада ўрнатилган тартибини тўлиқ тушуниб етмаган ҳолда масалани фақат бир томонлама ёритган.

Муаллифнинг мақоласида чин журналистларга хос бўлган хусусиятлар етарли даражада ўз ифодасини топмаган деб ўйлаймиз.

Муаллифга вазирга нисбатан унинг қонунни менсимаслиги ҳақида айбни қўйиш, қолаверса, бундай нотўғри фикрни уқувчилар оммасига етказишга, амалдаги Ҳукумат қарорларини англаб етмаган ҳолда вазирликнинг раҳбарини қонунни менсимасликда айблаб, оқни қора дейишга ким ҳуқуқ берди? Бўлмаса, мақоладаги «Қонунни менсимаган вазирга оддий гап кор қиларми?» — деган гапни қандай тушуниш керак?

Шу ўринда Меҳнат вазирлиги бу мақолага ўзининг норозилигини билдириб, тўртинчи ҳокимият ваколатини ва унга берилган ҳуқуқ ва вазифаларини муаллиф томонидан тўлиқ англамаганлиги натижасида у томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қабул қилган қарор ва низомлар нотўғри талқин қилинганлигини кўрсатиб ўтишни лозим деб ҳисоблайди ва газетанинг яқин орада чиқадиган сонида ушбу масалага доир батафсил фикрларимизни ёритишингизни сўраймиз.

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг уступлиги сўзсиз тан олинади» (15-модда) деб аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган. Биз мақолани чоп этаётганимизда Асосий Қонунимизнинг ана шу бандини назарда тутган эдик. Афсуски...***

Кўриниб турибдики, ҳар икки томон ҳам ўз фикрида қолади. Шундай экан, масалага кимдир ойдинлик киритиши лозим. Шунинг учун таҳририят қонуншуносларимиздан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни сўрайди.

НОМАЪЛУМ БЎЛГАН ЁКИ БИЗ БИЛГАН ВА

Аввалambор шуни айтиш лозимки, жадидлар ҳаракатини юзага келтирган сабабларини, моҳияти ва йўналишларини тўғри англаш учун уни ўрганиш даражасига бир назар ташлаш айни муддаодир. Бу масалани бир мақолада кенг кўламда қамраб олиш ва тегишли баҳо беришнинг имкони йўқ, албатта. Аммо, совет даврида ўтказилган бир илмий кенгаш ҳақида батафсил фикр юритиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки у жамоа аҳлига ҳамон номаълумлигича қолмоқда. Ваҳоланки, жадидлар тарихи илмий ишларда кўп йиллар мобайнида ўша кенгаш белгилаб берган тавсиянома асосида таърифланди. Илмий кенгаш 1966 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти қошида ўтказилган эди. Буни тоталитар тузум ҳайқириб турган пайтда ўтказиш осон кечмади. Зеро, совет давлати жадидларнинг вакилларини ашаддий душман сифатида отиб ташлади ёки умрларини қамоқларда ва сургунларда чиритди. Ҳатто уларнинг яқин қариндош-уруғлари ҳибсга олинди ёки таъқиб остида ушлаб турилди.

Жадидлар илмий ишларда ва оммавий ахборот воситаларида «халқ душманлари», «империализм ва Туркия айғоқчилари» сифатида қораланди. Шунингдек, жадидларнинг озодлик ғояларига ҳамоҳанг бўлмиш 1873—1876 ва 1898 йиллардаги қўзғолонлар қора бўёқларга бўяб кўрсатилди.

Асримиз 60-йилларининг иккинчи ярмида тўрт жилдли «Ўзбекистон ССР тарихи»ни учинчи нашрини тайёрлаш муносабати билан юқорида қайд қилинган масалаларни қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилди. Бу ўта қалтис ва нозик тадбирга ўша вақтдаги Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти И. Мўминов ва таниқли олим Я. Ғуломовлар бошчилик қилди. Уларнинг ташаббуси билан илмий кенгаш ўтказиладиган бўлиб, уни ташкил этиш менинг зиммамга юклатилди. Чунки жадидлар ҳаракати ва қўзғолонлар тарихини ўрганиш мен раҳбарлик қилаётган бўлимга тааллуқли эди. Айни пайтда Тарих институтида ректорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари эдим.

Илмий кенгаш кун тартибига киритилган «Туркистон ўлкасида жадидлар ҳаракати» номли мавзу бўйича умумлаштирилган маърузани тайёрлаш К. Е. Житов, Х. Турсунов, О. Эшонов ва бошқаларга топширилди. Уларга жадидлар ҳаракатининг замини, моҳияти ва йўналишини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш вазифаси юклатилди. 1873—1876, 1898 йиллардаги халқ қўзғолонларини ўз ичига олган иккинчи мавзу бўйича Х. Иноятов ва Х. Турсунов маърузачи қилиб тайинланди.

Илмий кенгаш уюштириш жараёни анча мураккаб ва оғир кечди. Хусусан, Х. Турсунов ва Х. Иноятовларни кўндириш қийин бўлди. Улар менга шундай дейишди:

— Биласизки, биз иккаламиз Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитети пленумининг махсус қарори асосида 1873—1876 ва 1898 йиллардаги халқ қўзғолонларини роса қоралаб ёзганмиз. Бунинг учун одамлардан кўп таъналарни эшитдик. Илмий кенгашда хатоларимизни бўйнимизга олиб, қўзғолонларни «оқлаб» чиқдик ҳам дейлик. Бироқ, кейин компартия марказий комитетига чақириб нотўғри иш қилибсизлар деб яна қоралашга даъват этишса, нима деган одам бўламиз. Бундай бўлмаслигига ким кафолат беради?

Уларнинг бу гапларида жон бор эди, албатта.

Мен уларни бошлаб И. Мўминов ҳузурига кириб, вазиятни тушунтирдим. — Хотиржам бўлинглар, — деди у, — ҳеч қандай тазйиқ ва хавф-хатар бўлмайди, бу хусусда «юқоридагилар» билан келишганмиз. Улар чиқиб кетгач, менга: — «Юқоридагилар» халқ қўзғолонлари ҳақида олимлар нима дейишса, шуни эътиборга олинглар, жадидлар масаласига жуда эҳтиёткорлик билан ёндошинглар, — дейишди. Шунинг учун маърузачилар ишончли маълумот асосида пухта тайёргарлик кўрсинлар ва янги фикрлар билан чиқсинлар.

Одатдагидек, одамларни илмий кенгашга мажбурий суратда жалб қилманглар, негаки ғаламис кишилар «сувни лойқалатиб» юборишлари мумкин, — деди.

— 200—250 нафар кишига мўлжаллаб таклифнома тайёрламоқчимиз, имкони борича кенгашни юқори савияда ўтказамиз, — дедим.

— Яхши, — деди И. Мўминов, — кенгашда 100—150 атрофича одам қатнашса ва тинчлик билан ўтказилса айни муддао бўларди.

Илмий кенгаш яқинлашган сари ишончсизлик ва хавфсирашни қўзғатувчи ҳар хил миш-мишлар шунчалик қизиб борди. Булар пировардида ўз таъсирини кўрсатди. Чунончи, 1966 йил 22 сентябрда М. Ғуломов раислигида кенгашнинг очилган биринчи кунида бор-йўғи 25 нафар киши келишди. Бунинг устига К. Е. Житов ва Х. Турсуновлар маърузани тайёрламаганликларини билдирдилар. Бундай нохуш ва ачинарли ҳолат И. Мўминов, Я. Ғуломов ва бошқаларни қаттиқ ранжитди. Улар мени чақириб нима учун бундай ҳолат юз берганлигини сўрашди.

— Кенгаш хусусида, — дедим мен, — олимлар билан гаплашганимда хавотирланиш аломатларини сезган эдиму, лекин кўпчилик қатнашади деб ўйлаган эдим. Таклифномалар ўз вақтида тарқатилди. Маърузачилар эса тайёрмиз дейишганди.

— Олдинроқ, — деди Я. Ғуломов, — кўнгилсиз ҳодисалар бўлиши хаёлимдан ўтган эди, лекин наҳотки иш шу даражага борса деб ўзимни юпатган эдим.

Бугун шу нарса сир эмаски, тегишли ташкилотлар зимдан иш юритишиб, илмий кенгашни тор доирада ўтказишга қаратилган чораларни кўрганлар. Кенгашнинг биринчи куни Х. Турсунов ва Х. Иноятовнинг маърузалари эшитилди ва муҳокама қилинди. Улар 1873—1876 ва 1898 йиллардаги қўзғолонларни қоралашга барҳам берилишини ва озодлик ҳаракати сифатида таърифлашга барча асослар борлигини уқтириб ўтдилар. Аммо, улар масалани охирига-ча ҳал этишга журъат этолмай, қўзғолонлар умумроссия революцион ҳаракатининг таркибий қисми сифатида чоризмга қарши кураш бўлганлигини кўрсатдилар. Шунингдек, қўзғолонларга қўшилган маҳаллий юқори табақаларнинг илғор вакиллари фаолияти қаттиқ қораланди. Умуман маърузачилар ва музокарага чиққанлар қўзғолонларнинг асосан Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун қаратилганлигини очиб бера олмадилар.

Кенгашнинг иккинчи кунига қолдирилган жадидлар масаласи асосий маъруза тайёрланмаслигидан барбод бўлиш хавфини туғдирган эди. Бироқ, О. Эшоновга топширилган масала тайёр бўлганлиги туфайли кенгаш ўз ишини бошлади. Афсуски, унда 23 киши қатнашди холос. Улардан 7—8 кишидан иборат маърузачи ва музокарачиларни ҳисобга олганда эшитувчиларнинг сони жуда оз эди. Ваҳоланки биз, камида 100—150 нафар кишиларни жалб қилишга қаратилган чораларни кўрган эдик. Начора, бунга зимдан йўл берилмади. Илмий кенгаш Я. Ғуломов раислигида деярлик бўм-бўш залда О. Эшоновнинг Бухоро ва Хева жадидларига бағишланган маърузаси билан бошланди. У аввалambор, илмий ишларда Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хева хонликларидаги жадидларнинг фаолиятини ялписига реакцион ҳаракат деб таърифлашни нотўғри деб ҳисоблади. Унинг фикрича, улар икки хил шароитда шаклланган ва ривожланган. Зеро, Туркистон губернаторлигида завод, фабрикалар, банклар, фирмалар ва умуман шунга ўхшаш капиталистик алоқаларга хос ўзгаришлар содир бўлаётган эди. Хонликларда эса, ўрта аср қолоқлиги, хон деспотияси ҳукм суриб, турғунлик кўзга ташланмоқда эди. Мана шундай шароитда юзага келган жадидларнинг ислоҳотлари воситасида феодал тузум ва хон ҳокимиятига қарши кураши О. Эшонов томонидан прогрессив ҳаракат сифатида баҳоланди. Маърузачи Бухоро ва Хева жадидларининг фаолиятини Туркистон жадидлари билан бир чизиққа қўймай, алоҳида ўрганишни таклиф этди. У масалани худди шу тарзда ёритиб, Бухоро ва Хева жадидларининг ҳаракатини моҳияти ва йўналиши маданий, маърифатпарварлик ва революцион-демократик курашдан иборатлигини кўрсатди. Маърузада қатнашган К. Е. Житов ва Х. Турсунов сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам улар жадидчилик ҳаракатини чуқур ва атрофлича ўрганиш ва янги фикрлар билан бойитишни назарда тутмаганлар. Улар гарчанд жадидларнинг маърифатпарварлик фаолиятини тан олган бўлсаларда, уларни табақаларга бўлиш ва фаолиятини уч йўналишда таърифлашни таклиф қилдилар. Улар кўпроқ умумий сўзлар билан чегараланиб, яхши таассурот қолдирмадилар. Уларнинг кўрсатишича жадидлар орасида феодал-клерикал, буржуа-демократик ва революцион-демократик ғоялар билан суғорилган учта гуруҳ фаолият кўрсатган. Буларнинг ҳар бири бир-бирларидан фарқ этувчи мақсадлар бўйича мустақил равишда иш юритганлар. Музокарага чиққанлар ҳам жадидлар фаолиятида уч йўналиш бўлганлигини қувватлади ва шу фикрлар руҳида қуйидаги мазмунда тавсиянома қабул қилинди:

1. Ҳақиқатан ҳам, жадидларнинг таркиби бир хил бўлмаган. Туркистон губернаторлигидаги жадидлар билан Бухоро ва Хева жадидларининг бир-бирларидан фарқлилигини ҳисобга олиш лозим. Бухоро ва Хева жадидлари, яъни ёш бухороликлар ва ёш хеваликлар Улуғ Октябрь революциясининг таъсирида Бухоро амирлиги ва Хева хонликларидаги феодал тузум ва хон ҳокимиятига қарши курашиб, революцион демократик йўлга ўтди. Туркистон ва хонликлардаги жадидларнинг орасида турли оқимлар шаклланиб, сўл қанот ажралиб чиқди.

2. Жадидлар вакилларининг маълум қисми миллий буржуазия ва савдо-саноат доираларини манфаатларини назарда тутиб, дунёвий фанларнинг тарафдорлари сифатида иш юритдилар. Аммо жадидлар орасида шундай кишилар ҳам бўлганки, улар маданий ва маърифий ўзгаришларни тарафдорлари бўлсаларда, лекин ўзларининг синфий манфаатларини ўйлаб ва меҳнаткаш оммани бош кўтаришларидан чўчиб, чоризмни қувватлаб турдилар. Улар айниқса, 1905—1907 йиллардаги революцион ҳаракатлардан кейин газета ва журналларда императорга ўз содиқликларини изҳор этиб, революцион социал-демократларнинг фаолиятини қораладилар.

3. Жадидларнинг ўнг қанотини Абдулаҳат Роҳатбоев ва бошқа кишилар ташкил этиб, улар дин ва шариат асосларини қаттиқ ушлаб, феодал ва мусулмон Туркиясининг олдида тиз чўкдилар. Улар Туркия бошчилигида Туркистонни Россиядан ажратиб олиш ва буржуа помешчик давлатини тузишни мақсад қилиб қўйдилар. Улар панисломчилар ва пантуркчилар ғояси билан суғорилган бўлиб, илғор рус маданиятига қарши нафрат уйғотдилар. Шунингдек, чет эл айғоқчилари билан биргаликда Туркистон халқлари орасида миллий низоларни уйғотди, халқни руслардан ажратишга ва бу билан революцион курашдан четлатишга ҳаракат қилдилар. Жадидларнинг ўша вакиллари халқ оммасининг норозилигидан ўзларини тор манфаатлари учун фойдаланмоқчи бўлдилар.

Кўриниб турибдики, тавсияноманинг биринчи қисмида совет давлати томонига ўтган жадидларнинг фаолияти революцион-демократик, яъни прогрессив ҳаракат деб баҳоланди. Шу равишда совет давлатига нисбатан бўлган муносабатдан келиб чиққан ҳолда жадидларнинг бир гуруҳи «оқланди». Гарчанд масалага бундай бир томонлама ёндошиш нотўғри бўлсада, лекин бир баҳона топиб жадидларни «оқлаш»га уриниш ижобий воқеа ҳисобланарди.

Тавсияноманинг иккинчи қисмида жадидларнинг кураши буржуа-

Убайдулла Исроилович КАРИМОВ

Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради. 1997 йил 11 октябрда академик Убайдулла Исроилович Каримов узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этди.

У. Каримов 1920 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкентдаги Ўрта Осиё Индустриал институтининг кимё-технология ва Ўрта Осиё Давлат Университетининг шарқшунослик факультетларида таҳсил олган. Академик У. Каримов Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтининг аспирантурасида таълим олди, ҳаётининг охиригача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номли Шарқшунослик институтида илмий-тадқиқот ишлари олиб борди.

Убайдулла Исроилович Каримов Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби буюк алломаларнинг илмий меросини тадқиқ этган ва бу соҳада улкан илмий натижаларга эришган олим эди. Ўрта аср қомусчи олими Абу Бакр ар-Розийнинг фанга номаълум бўлган «Сиррул асрор» («Сирлар сири») номли кимё илмига оид асарлари қўлёзмасини тадқиқ ва таржима қилиб илмий истифодага киритди. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарини, Абу Райҳон Берунийнинг «Сайдана» асарини таржима қилиб нашр эттирди.

Убайдулла Исроилович Каримовнинг илмий кашфиётлари ва самарали меҳнатлари давлатимиз ҳамда жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланган, Беруний номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилган эди. Илмий хизматлари учун Бобур номли олтин медаль билан мукофотланган. Убайдулла Исроилович Каримов илмий доираларда обрў-эътибор қозонган атоқли олим, камтарин инсон, фидойи тадқиқотчи эди. Таниқли олимнинг ёрқин хотираси ватандошлари қалбида ҳамиша яшайди.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Т. АЛИМОВ, Т. РИСҚИЕВ, А. АЗИЗХЎЖАЕВ, Т. ЖЎРАЕВ, А. МУҲАМАДЖОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, С. АЗИМЖОНОВА.

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Адабиёт бўйича 1997 йилги Нобель мукофоти Стокгольмда 71 ёшли Италия драматурги Дарио Фога топширилди. У исёнкор ва «сиёсатлашган адабиётчи» саналади, шу сабаб Нобель мукофотини ва 994 минг доллар олиши Италияда қарама-қарши баҳсларга сабаб бўлди. Драматургнинг 70 дан ортиқ асарлари орасида 1969 йилда Италияда бўлиб ўтган қатор ижтимоий беқарорликлар тасвирланган «Анархистнинг тасодифий ўлими» драмаси машҳур. Нобель мукофотини олишига сабаб бўлган бир асари диний мавзуда бўлиб, у Ватикан томонидан эътирозларга сабаб бўлган. Дарио Фо ўз асарларида ҳамиша оддий одамларни ҳимоя қилган, зулм ва зўравонликка қарши бўлган.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Япония Шимолий Кореянинг очлик азобига гирифтор бўлган аҳолисига 27 миллион долларлик гуруч етказиб беришни режалаштирди. Гуруч БМТ ёрдамида етказилади.

***

Голландия полицияси катта миқдорда —18 миллион марка баҳосидаги кокаинни жиноятчилар қўлида ушлади. Операция икки йил давомида тайёрланган эди.

***

Тинч океани соҳилида жойлашган Мексиканинг жанубий штатларида кучли довул бўлиб ўтди. Шамолнинг тезлиги соатига 260 километрга етди. Довул бинолар томини кўчириб, дарахтларни илдизи билан қўпориб ташлади. Бир неча қишлоқлар сув тагида қолди. 120 киши ҳалок бўлган. Темир йўл, телефон, сув, электр энергияси алоқалари узилган.

***

Пиёдаларга қарши миналарни қўллашни тақиқлаш халқаро ҳаракати ва унинг раҳбари Джоди Вильямс ҳам 1997 йилги Нобель мукофотига сазовор бўлди.

***

Тайвань ҳарбий ҳаво кучлари самолёти Тайбэйск аэропортига қўниш пайтида ҳалокатга учради. Беш нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлган.



ЖАЙРОН, НЕЧУН КЎЗЛАРИНГДА ЁШ.

ВОҚЕАЛАР ГИРДОБИДА

Америкалик биолог олим Стэнли Прузинер медицина соҳасида Нобель мукофоти соҳиби бўлди. У Калифорния штати университети ходимидир. Прузинер мия касалликларини чақирувчи «прион»лар мавжудлигини кашф этган. Олим бу ихтирони кашф этиш учун 25 йил муттасил ишлаган. Мукофотнинг пул миқдори бир миллион АҚШ долларини ташкил этади. Мукофот Стокгольмда Каролина институти томонидан тақдим этилади.

***

Индонезияда давом этаётган қаттиқ қурғоқчилик натижасида ҳалок бўлаётганлар сони тобора кўпаймоқда. Янги Гвинея оролининг Ириан Джоя чекка ҳудудида 400 киши очлик ва касалликдан ҳалок бўлган.

***

Братислава касалхоналаридан бирида Словакия мафиясининг «отаси» «Роберт Г» ўлдирилди. У жойлашган хонани доимо полиция қўриқлашига қарамай, қотил касалхона биноси томидан деразагача етиб келган ва мафиозлар «отаси»ни автоматдан отиб ўлдирган.

АҚШнинг 7-флотига қарашли «Блю ридж» кема Япониянинг Россияга яқин Хоккайдо оролидаги Хаккодате портига лангар ташлади.

***

Канада ташқи ишлар вазири мамлакатнинг Исроилдаги элчисини чақириб олди. Бунга сабаб, икки нафар Исроил фуқароси фаластинликларнинг «Хамас» ташкилоти раҳнамоларидан бирига суиқасд уюштириш учун сохта Канада паспортидан фойдаланганидир.

***

Италияда изма-из 620 марта ер силкиниши бўлиб ўтди. Умрия ва Марк вилоятлари нисбатан кўпроқ талафот кўрган. Италиянинг жанубий ва марказида, жумладан Флоренцияда ҳам ер силкиниши бўлиб ўтган. Фуқаролик мудофааси вазири ўринбосари Франк Барбернинг таъкидлашича, 130 минг киши бошпанасиз қолган.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

ЭЛЬБРУСНИ ИШҒОЛ ЭТИШДИ

Сарлавҳани ўқиб, нима бўпти, бу чўққини кўпчилик забт этгану, дейишингиз мумкин. Бироқ бундай дейишга шошилманг. Гап шундаки, бу сафар россиялик уч нафар ногирон махсус коляскаларда ўз кучи билан ушбу чўққига, яъни денгиз сатҳидан 5642 метр баландга чиқишди.

Мана улар: Владимир Крупенников. 27 ёш. 1989 йили армияда ҳарбий топшириқни бажариётиб, умуртқаси синган, ўшандан бери ногирон. Бироқ тушкунликка тушмасдан спорт билан шуғулланди. Армрестлинг — қўл жанги унинг севимли машғулоти. Шунинг учун ҳар доим соғлом спортчилар билан мусобақалашади ва кўп марта уларни енгган. Масалан, қўл жанги бўйича уч марта Россия чемпиони, икки марта Европа кумуш совриндори бўлган. Бундан ташқари у ётиб штанга кўтариш бўйича (оғир атлетика) жаҳон чемпиони ҳам.

1995 йилда денгиз сатҳидан 5047 метр баландликдаги Казбек чўққисини ишғол этган.

Иккинчи ногирон-альпинист — Юрий Шаповалов, 50 ёш. Қачонлардир зинадан йиқилган ва умуртқаси синган. Уч марта операция бўлган. Иродаси метин спортчи.

1991 йили Москва — Киев — Кривой Рог йўналиши бўйлаб коляскада пойгада қатнашган. Бир йилдан сўнг 11500 километрлик Владивосток-Санкт-Петербург йўналиши бўйича ташкил этилган пойгада ногирон-коляскачилар командасининг капитани бўлиб қатнашган. Ўшанда президент Ельцин унга жасурлиги учун орден топширган.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

1993 йилда эса 3500 километрлик Санкт-Петербург-Лондон йўналишидаги пойгада ҳеч қийналмай қатнашди. Мана энди бу йил сентябрда Эльбрусни забт этди. Шаповаловнинг битта орзуси бор — дунёни коляскада кезиб чиқиш.

Ногирон-альпинистлар командасининг учинчи вакили Сергей Истомин. У ҳам иродаси зўрлардан. 14 марта операция қилинган, касалхонада кўп ётган, икки оёғидан айрилган. Лекин спортнинг этагини тутиб, кам бўлмади, донг таратди.

Ие, йўғ-е, наҳотки?

ҲИД ТАРАТУВЧИ КИНО

Тасаввур қилинг: киноэкранда зўр ресторан, столда емакнинг турли-туман муҳайё этилган, иссиқ чой ва қаҳва бугланиб турибди, кино қаҳрамони сигарет чекяпти ва ҳоказо. Сиз кинотеатрда ўтириб томоша қиляпсиз. Бирдан экранда қаҳвани кўриб, қаҳва ҳиди, таомни кўрсангиз таом ҳиди димоғингизга урилса. Зўр фантазия-а?

Бироқ бу эндиликда фантазия эмас, балки воқеликка айланмоқда. Мюнхенлик 37 ёшли социолог Гетц Ульрих ажойиб ва ғаройиб электрон асбоб яратдики, у турли ҳид — атиргулдан тортиб гўнг ҳидигача таратади.

Асбоб компьютерли бўлиб, экрандаги кўриниш ҳақидаги «ахборот» бу компьютерга синхрон тарзда келиб туради. Натижада асбоб экрандаги кўринишга мослаб ҳид таратади. Эндиликда томошабинлар нафақат кино кўришади, балки кинода акс этган манзара ҳидидан ҳам баҳра олишади.

Ульрих яратган ушбу асбобга ҳам дарҳол харидор чиқа қолди. Кельндаги атир-упа савдо-сотиғи билан шуғулланадиган фирмалардан бири унинг биринчи харидори бўлди ва 15 минг маркага сотиб олди.

БИР КИЛОМЕТРЛИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

Кўпчиликка маълумки, бундан бир ой муқаддам Ҳиндистон мустақилликка эришганлигининг 50 йиллигини кенг нишонлади. Айниқса, тамил партияси фаоллари ўзгача кўтаринкилик, ўзгача руҳ билан нишонладилар, яъни улар республиканинг олтин юбилейига бағишлаб уч хил рангли давлат байроғини махсус тиктиришди. Байроқнинг «махсус»лиги шундаки, у жудаям узун — 1050 метр эди.

«Ихтирочилар»нинг гапларига қараганда, бундай байроқ дунё бўйича ҳали ҳеч ерда тикилмаган.

Партия фаоллари байрам куни ушбу байроқни ўз шаҳри — Ченнай (Мадрас)нинг барча кўчалари бўйлаб кўтариб ўтишди.

ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИЛМАГАН ВОҚЕАЛАР

демократик ҳаракат деб таърифланди. Унинг учинчи қисмида эса, жадидларнинг Туркистон заминини мустақиллигини тиклашга қаратилган ҳаракати энг реакцион йўналиш сифатида қаттиқ қораланди. Илмий кенгашда жадидларни ёппасига эмас, балки бир гуруҳ вакилларини «оқлаш»нинг ўзидан ҳам ашаддий коммунист олимларда умуман жадидларга хайрихоҳлик билдириш деган тушунча ҳосил бўлди. Улар бундан ташвишланиб норозиликларини билдирдилар.

Шунинг учун И. Мўминов менга: — Сиз кенгаш стенограммасини Москвга олиб бориб, у ердаги олимларни розилигини олсангиз яхши бўларди. Бўлмаса тинчимайдиганга ўхшаймиз, — деди.

Мен Москвда стенограммани СССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимини бошлиғи академик Е. М. Жуковга топширдим. Бир неча кундан кейин у шундай деди: — Умуман олганда илмий кенгаш ўтказишга зарурият йўқ эди. Чунки жадидлар масаласи аллақачонлар ҳал этилган.

Аммо кенгашда жадидларнинг бир гуруҳи «оқланиб»ди. Биз бунга розимиз.

Москванинг «фотиҳаси» олингандан кейингина вазият тинчланиб тавсиянома кўчга кирди.

Илмий кенгашда жадидчиликнинг сиёсий ва ижтимоий, иқтисодий заминлари нотўғри таҳлил қилинди. Унда маърузачи ва музокарага чиққанлар минтақадаги жадидлар бир-бирига зид икки хил шароитда шаклланганлигини таъкидладилар. Аслида бундай бўлмаган эди. Чунончи Туркистон генерал губернаторлигида ҳам, хонликларда ҳам бир хилдаги мустамлакачилик сиёсати ҳукм суриб, бутун минтақа Россиянинг хом ашё манбасига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилган эди. Тўғри, Туркистон генерал губернаторлигида капиталистик ўзгаришлар содир бўлмоқда эди. Бироқ булардан асосан Россия ва ўлкага жойлашган руслар фойдаланиб, туб аҳоли қашшоқлашди, адолатсизлик ва зулм остида яшади. Ҳар икки тарафда феодал тузум сақланиб, ўрта аср қолоқлиги ҳамон давом этаверади. Аҳоли орасида кўзга ташланган айрим ижобий ўзгаришлар бамисоли денгиз сувидан бир томчига тенг эди, холос. Хуллас, минтақада жадидлар икки хил шароитда юзага келганлиги ҳақидаги фикрга қўшилмайман. Буни қуйидагича тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Биринчидан, рус давлати ўлкани қонга белаб, вайронага айлантириб эгаллагандан кейин миллий давлатни йўқ қилди. У рус генераллари ва офицерларини олий ва ўрта, туб аҳоли вакилларини қуйи маъмурий лавозимларга тайинлади. Рус ҳукумати Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятларидан иборат Туркистон генерал губернаторлигини ташкил этди. Бу ерда сиёсий-маъмурий тизим мустамлакачилик ва миллий зулм асосида тузилиб, сиёсий ва инсоний ҳукуқларни ҳаётга тадбиқ этиш хаёлга ҳам келтирилмади. Рус тили давлат тили сифатида юритилди, миллий тил эса бир бурчакка сиқиб қўйилди.

Иккинчидан, рус ҳукумати туб аҳолини бирдамлиги ва куч-қудратини синдириш учун минтақани Туркистон генерал губернаторлиги, Бухоро ва Хева хонликларидан иборат уч қисмга бўлиб бошқарди. Гарчанд, хонликларда маҳаллий сиёсий-маъмурий тизим сақланган бўлсада, лекин у амалда рус давлатининг манфаатларини таъминлашга қаратилди. Бошқачароқ айтганда, у шаклан миллий, мазмунан мустамлакачилик бошқарувининг кўринишларидан бири эди. Чунки хонлар рус ҳукумати томонидан «қўғирчоққа» айлантирилган қарам хукмдорлар эди, холос. Тўғри, хонликларда қўшин сақланади, лекин унинг вазифаси фақат ички тартиб ва тинчликни сақлашдан иборат бўлиб, ҳарбий маҳорат ва техника ниҳоятда паст даражада эди. Рус давлати Бухорода «рус сиёсий ваколатхонасини» очиб, хонликни қаттиқ назорат остида ушлаб турди. Хева хонлиги эса, Сирдарё вилоятига қарашли «Амударё бўлими» орқали бошқарилди. Туркистон генерал губернатори лавозимидаги шахслар ҳуқуқи чегараланмаган ҳолда бутун минтақага бошчилик қилганликлари учун «ярим подшо» деб юритилди. Улар мустамлакачилик сиёсатини ва миллий зулмни изчиллик билан амалга оширдилар. Мустақилликни барбод этган бундай ғайритабиий тизим жадидларнинг сиёсий курашига замин ҳозирлади. Озодлик ғоялари қанчалик вақт ўтиши билан шунчалик юзага қалқиб чиқаверди. Бу ҳақда Фитратнинг «Темур саганаси» пьесаси қаҳрамони номидан изҳор этилган қуйидаги сўзлар далолат беради: «Ҳақоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган, турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Боғлари бузулган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг қоровули сенга арз этаргa келди. Бағрим ёниқ, юзим қора, синиқ кўнглим, бўйим букук, сенинг зиёратингга келдим султоним! Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртаган жоним учун бу саганангдан даво излаб келдим ҳақоним! Юз йиллардан бери жафо кўриб, ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларини этакларингга тўкарга келдим. Қоронғулар ичра қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олгани келдим. Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг оёқлари остида қолди. Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, турони ёт қўлларга тушди. Туркнинг белгуси, онги, уйлови, зийраклиги жаҳолат ўлкасига кетди. Сенинг қиличинг билан дунё эгаси бўлган турк тинчгина бир ётоқ тополмай қолди».

Мазкур мисраларда мустамлака даврининг даҳшатли ва фожиали манзараси хаққоний равишда тасвирланиб, Туркистон заминининг мисли кўрилмаган даражада харобага айланганлиги изоҳланган. Уларда буюк Амир Темур мустақиллик рамзи сифатида мазлум халқни озодликка ва тараққиётга чорловчи қудратли куч сифатида гавдалантирилди. Фитрат «Темур саганаси» асари орқали жадидлар ҳаракатининг сиёсий қиёфасини ёритиб берди, дейилса, асло хато бўлмайди.

Учинчидан, рус давлати Туркистон заминини Россиянинг хом ашё манбасига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантиришни асосий вазифа қилиб қўйган эди. У бунга эришмоқ учун биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб, Америка пахта навларини иқлимлаштирди. Натижада ўлкада пахтачилик йил сайин ривожланиб борди. Айни пайтда Бухоро ва Хева хонликларида ҳам пахтачилик кенг қулоч ёйди. Бироқ пахтачиликни ривожлантиришдан туб аҳолининг ҳаёти яхшиланмади. Аксинча қашшоқлашди, чунки пахтанинг деярлик ҳаммаси арзон нархда Россияга узлуксиз юборилиб турилди. Фақат пахта эмас балки, деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари ҳам Россияга олиб кетилаверди. Мустамлакачилар ўлканинг табиий бойликларини ҳам таладилар. Россиядан минтақага турли саноат молларини келтирилиши ҳам туб аҳолининг аҳволини янада ёмонлаштирди. Ўлканинг хом ашё манбасига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши, халқни қашшоқланиши жадидларнинг эътиборини жалб қилиши турган гап эди. Зеро, улар ўз халқининг бошига тушган кулфатларни, азоб-уқубатларни, бойликларни талаётганлигини жонли гувоҳи эди. Шунинг учун ҳам Фитрат: — «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз емирулди, номусимиз ғасб қилинди. Инсонийлигимиз оёқлар остига олинди. Тузимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга буйинсундик. Бутун борлиғимизни қулдан бердик», деб ёзган эди.

Шундай қилиб мустамлакачилик сиёсати жадидларнинг иқтисодий мустақилликка қаратилган ғоясини шакллантирди.

Тўртинчидан, рус давлатининг мустамлакачилик сиёсати маънавиятни қашшоқлашишига олиб келди. Чунончи, миллий тил ва маданиятни ривожлантиришга йўл берилмади. Мактабларни, мадрасаларни таъминлашга маблағ ажратилмади. Чунки маҳаллий аҳолини билимли бўлиши рус ҳукуматининг улуғ миллатчилик сиёсатига зид эди. У имкони борича ўлкада фан ва маданиятни кенг қулоч ёйишига тўсқинлик қилиб, халқни қоронғуликда ва тушкунликда ушлаб туриш чораларини кўрди. Бу борада жадид Мирмуҳсин Шермуҳаммедов шундай ёзган: «Табиий, Туркистонга маориф инспектори қилиб белгиланган, карт миссионер Остроумовнинг таъсири ила бизда... мунтазам мактаб, мадраса очира олмас эди. Қарт миссионер бунга пичоқ (ифлос) бир қасд ила қарши келадир эди. Зеро, тартибли бир мактаб ва мадраса ўқиб чиққан шогирдларда диний миллий ҳис-туйғу бўлар эди. Улар миссионернинг пичроқ маслагига хизмат этмасдилар. Энди революциядан сўнг миссионерларнинг уясига таёқ тиқилиб тўлдирилгач, қарт миссионер Остроумов Туркистондан йўқолди. Туркистон 27 йиллик шум қадам маълунидан қутилганидан кейингина кенг сулув олди». Дарҳақиқат, Остроумов кўп йиллар мобайнида улуғ миллатчилик сиёсатининг илҳомчиларидан бири эди. Рус маъмурияти ва зиёлилари орасида агар мактаб ва мадрасаларнинг фаолиятига имкон яратилса «гафлатда ётган мусулмонларни уйғониши» ва «нонимиз яримта бўлиши» мумкин деган фикрлар йўқ эмас эди. Рус ҳукумати ўлкада матбуотни кенг кўламда ва самарали қулоч ёйишига тўсқинлик қилди. Бу соҳада кўзга ташланган айрим ўзгаришлар мутлақо етарли эмас эди. Маънавий ҳаётнинг негизи бўлмиш ислом динини жамиятдаги мавқеига анча зарба берилиб, руҳоний вакиллари қаттиқ таъқиб ва назорат остига олинди. Вақф ерларининг қисқартирилиши ва уларни рус маъмуриятининг назоратга олиниши ҳам динни иқтисодий асосларини қаттиқ шикастлантирди. Мустамлакачилар халқни маънавий ҳаётини, тарихий ёдгорликларини харобага айлантириш йўли билан ҳам қашшоқлаштирди. Босқинчилар маҳаллий аҳолини ўрта аср қолоқлигида, саводсизлик ва қоронғулик гирдобида, ҳаёт кечиришга мажбур қилди. Миллатнинг бу кунини эмас, келажагини ҳам барбод этувчи миллий зулм жадидларнинг маънавий курашига замин ҳозирлади. Улар XX аср бошларида ёшларни билим олиш учун Германия, Франция, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги шаҳарларга ўқишга юборишни талаб қилдилар. Масалан, бундай ўта фойдали таклифлар М. Беҳбудийнинг «Эҳтиёж миллат» (1909), Ҳамзанинг «Муаллиф афандиларга улуғ рижомиз» (1914) ва Чўлпоннинг «Дўхтир Муҳаммадиёр» (1915) мақолаларида баён этилди.

Маърифат зиёкорлари

Умуман айтганда, жадидлар ҳаракати мустамлакачиликка ва миллий зулмга асосланган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг маҳсули сифатида юзага келди. Унинг асл моҳияти ва йўналиши пировардида Туркистон мустақиллигини тиклашга қаратилган. Бу олий мақсадга эришиш учун биринчи навбатда мазлум ва хўрланган халқни саводини чиқариш ва билимини ошириш, миллий ҳис-туйғуларини ва сиёсий онгини ўстириш лозим эди. Шунинг учун ҳам даставвал жадидлар фаолиятида маърифатпарварлик салмоқли ўринни эгаллади. Аммо, бу уларда сиёсий ғоялар ва мақсадлар йўқ эди, деганн эмас. Аксинча, улар жадидлар қалбини чулғаган лекин, уни дарҳол амалга ошириш учун шароит етилмаган эди. Қачонки 1917 йилда қулай вазият келиши билан сиёсий ғоялар жадидлар қалбидан вулқон каби отилиб чиқиб «Туркистон мухторияти» ташкил топди. Бироқ бу олий мақсад большевиклар томонидан ваҳшийларча барбод этилди.

Иншоолло, шу кунларда халқнинг озодлиги учун жонини тиккан жадидларнинг эзгу ниятлари рўёбга чиқиб, уларнинг авлодлари мустақилликнинг гаштини сурмоқдалар. Бу тарихий воқеани содир бўлишида жадидларнинг ҳам улкан ҳиссалари борлиги ҳеч кимга сир эмас. Эй худои таолло, уларнинг ётган жойлари жаннатда бўлсин!

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 14 oktabr, seshanba № 120 (22.204).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Йўлдош СУЛАЙМОН

ХАЁЛИМ ҲАМ, ВУЖУДИМ ҲАМ ТЎЛА ИШҚИЙ ОҲАНГГА

КАНОТ

Бошдан оёқ оқ ҳарирга ўралган, эй, фариштам,
Рўбарўмга келиб турсанг, ғолибдирман ҳар ишда.
Сенда қандай фазилату, сенда қандай ҳислат бор,
Юрагимнинг ичида йўқ энди бирор ғубор.
Сени севиб, сен туфайли топиб олдим худони,
Муҳаббатни қуйлаяпман кечаю кундуз ёниб!
Сени севиб, кейин-кейин англадим ўз-ўзимни,
Дил-дилимдан айтадиган бўлдим бари сўзимни.
Изларингдан юрганимда таниб Хақнинг йўлини,
Ўз қўлимда кўрмоқдаман диёнатнинг қўлини.
Тилагим шу: дард кўрмасин, илоҳим жону танинг,
Фақат менга аталганинг, мен учун туғилганинг —
Дарё келса кўприк бўлди, тоғ келса бўлди қанот —
Ёш йигитга айландиму яна қайта миндим от!

Ҳаёлим ҳам, вужудим ҳам
тўла ишқий нидога,
Заминдаги севгисига етган
етар Худога!

ВАФО ҚИЛАР

Нега инсон ердан кўра
осмонга кўп қарайди,
Ҳатто гўдак унга томон
қўл узатиб яйрайди.
Ўша ошиқ булбуллар ҳам ердаги гулга эмас,
Бўйинларин чўзганича кўкка қараб сайрайди.
Даъватим шу: табиатнинг олий насли, эй, инсон,
Сени кутар она-ерда севги фасли, эй, инсон.
Ундан ортиқ меҳрибон йўқ, сенга асли, эй, инсон,
Ва охири вафо қилар унинг васли, эй, инсон!

1

«САОДАТ»НИНГ ЎЗ СЎЗИ

Журналнинг янги сони

«Саодат»нинг бу сони ҳар бир хонадонга ўз сўзи билан кириб боради. Бекаларимиз дилига таскину-ором беради.

Истиқлолнинг хуш насимлари каттақўрғонлик ҳунарпеша аёллар маънавиятига ҳам янгиланишлар олиб кирди. Бу юрт кишиларининг ўзига хос одату-таомиллари, чеварлигу-пазандалик сирлари, мақсаду-режалари ҳақида ўқийсиз бу гал.

Сирли чашмалари билан машҳур Нурота даштларида бош чўпонлик қилаётган Новотой Жуманазарова «Биллур булоқлар ўлкаси» мақоласи орқали кўнглингиз уйига ташриф буюради. Унинг ёруғ хаёллари дилингизни ёритади.

«Гулбаданбегим баъзида гўзал ғазаллар ҳам машқ қилиб турган экан...». Ғафуржон Сатимовнинг бобурий маликалар ҳақида сизга янги маълумотлар берувчи туркум мақолаларини журналнинг ушбу сонидан бошлаб ўқиб борасиз.

«Бу ҳаёт боғида, адабиёт гулшанида Асқад Мухторнинг чинорлари шовуллаб турибди, — дейилади файласуф адибимиз ҳақидаги ёдномада. — Бу чинорлар узоқ йиллар офтобда қолганлар бошига соя бўлажак!». Адибнинг шеърлари, насрий асарларидан айрим парчалар ижод гулзоридан саралланган гулдаста янглиғ журналхонга туҳфа этилган.

«Ётоқхонанинг очиқ турган эшигидан нигоҳ ташладиму, даҳшатдан ... қотиб қолдим!». Энахон Сиддиқованинг «Маънавият бекати» рукнимиз учун тақдим этган ҳикоясида аёл изтироблари бор.

«Эски қўшиқ». Қандай қўшиқ экан у? У билан адиба Дилбар Саидованинг шу номли ҳикоясида танишасиз.

Дунёга машҳур хонимлар... «Америка Президентининг рафиқаси Ҳиллари хоним кўнглига яқин аёл руҳи билан ғойибдан суҳбат қилганини расмий учрашувларда гапиради...».

Севгисиз кино киноми? Албатта, йўқ. Қутлибека Раҳимбоеванинг «ФильмS» журнали бош муҳаррири Мухтабар Каримова билан қилган суҳбати ана шу ҳақда.

«Чевархона»миз ушбу сонда бир неча хил тунги либослар тикиб олиш йўл-йўриқларини ўргатади. Сўнгги саҳифалардаги турфа маслаҳатлар эса уй бекаларини рўзғор юритиш сирларидан бохабар этади.

Обуна мавсуми қизғин давом этаётганини яна бир карра эслатиб ўтамиз. Севимли журналингиз учун келгуси 1998 йилги обуна нархи бир йилга 246 сўм.

Журнал индекси: 867. Ташкилотлар учун бу нарх 320 сўмдир. Журнал индекси эса: 868.

Сизга кўпдан қадрдон ва азиз «Саодат»ингизга ёзилишни унутманг!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 619 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0654

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЖУФТ БЎЛИБ УЧАЙЛИК

Ҳатто қушлар жуфти билан этар парвоз,
Фарғона гўзали сенга бор шундай роз:
Кўзингга, сўзингга ярашиб турар ноз,
Аммо илтижоим, қанотингни кенг ёз —
Олис-олисларга учайлик-кетайлик,
Нияту мақсадга, ҳей, бирга етайлик!
Дунёнинг азобин жуда кўп тортганман,
Бўлар-бўлмас юкни елкага ортганман.
Кимлар мени чалди, кимлардир чоҳ қазди,
Бир кўйлак ичра гоҳ тўлиб, гоҳ оздим.
Ҳушрўйлигинг, меҳринг дил-дилимни ёзди,
Кўзларингда кўрдим ҳақиқий эъзозни!
Ҳавасни севги деб неча бор адашдим,
Ўзимни топгунча қанча довон ошдим.
Сенга талпинтирар энди баланд шаштим,
Дод солгани менда йўқ Карбало дашти!
Вақт етганга ўхшар, туролсак турайлик,
Дунёда неки ғам бор улоқтирайлик!
Ҳеч қачон тўймайди дунёмизнинг кўзи,
Туғилиб, улғайиб нима кўрдик ўзи?!
Кел, эй, бир яйрайлик, жуфт бўлиб учайлик,
Қўл етмас манзилга, эй, Йўлдош, кўчайлик!

ЎЗИМСАН

Хаёлда саволлар ўралган тугун,
Нима ўзи Ватан, нима ўзи шон?
Кеча ном-нишони бўлмаган инсон —
Қайсидир маконда туғилар бугун,
Кимнинг тақдирида саҳрои кабир.
Ё музлик битилган пешонасига,
Кимдир соҳиб иқбол нишонасига,
Ё худо, ҳаммага ёр бўлсин сабр!
Ўзбек тупроғидан яралган таним,
Яшашдан муродим ёлғиз сен учун —
Фидодир Йўлдошнинг идроку кучи,
Сен менинг ўзимсан Она-Ватаним!

2

КУЙДИРГАНИНГ УЧУН

Севги гулдан гулга кўчган қуш эмас,
Янги Ватан излаб учган қуш эмас,
Севги бу — шубҳамас, асли гумонмас,
Борлиқни ўраган ўша туманмас.
Севги бу — олисдан кўринган нурдир,
Тенгликдир, кенгликдир, ҳамиша ҳурдир.
Севги азал-азал дилдан кечириш,
Бир-бирига туйғу майин ичириш.
Севги бу — ўзгармас лабзу вафодир,
Ёлғонга ёлғону ҳамда вафодир...
Севгининг синови кўчайган сари
Худбинлик балоси чекинар нари.
Кучга тўлиб борар сабру бардошим,
Куйдирганинг учун таъзимда бошим.

ФАРҒОНАНИНГ ҚУЛИ

Фарғонажон, гўзалларнинг гўзалимисан,
Азалидан муҳаббатнинг гулзоримисан?
Бағрингдаги жамоли ой қизларнинг бари
Бутун дунё ҳавасини келтирган пари.
Нигоҳлари оҳанграбо, ўзига тортар,
Ошиқларнинг кундан-кунга куйиши ортар.
Ҳушни олиб дилни эзган ширин «оҳ-оҳ»лар,
Ўша учун киприклару лабу ёноқлар.
Кўзларининг оқи оқу қораси қора,
Чиройлари тонг гулига беради оро.
Ибоси бор, ажиб меҳри гиёси бордир,
Туришидан ўзгача бир зиёси бордир.
Йўлларини пойлар ҳамон кўзларида ёш,
Фарғонанинг ҳам ошиғи, ҳам қули Йўлдош!
Бу сен-ку, дилдорим, бу сен-ку асли,
Қачон келар ўзи кўришиш фасли?!
Фироқнинг азоби ични титяпти,
Ошиқ Йўлдош ҳамон сени кутяпти!

3



ШИРИН БОЛА, ШАКАР БОЛА, ТЎЙ БОЛА.

Абдулғани ЖУМА олган сурат.

НАҚДНИ БОЙ БЕРИБ...

Тўп думалоқ, майдон ясси... Қўш дарвоза орасида нималар бўлмайди, дейсиз. Зеро, футболда омад бор, деган гапга ҳамма ҳам ишонавермайди. Афсуски, катта футболда кутилмаган тасодифлар бўлиши табиий. Аниқроғи, аксарият ҳолларда югурганники эмас, буюрганники бўлади. Гап шундаки Парижга бериладиган йўлланмадан бирига даъвогарлар қаторида турган Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчиларининг омадлари юришмади, десак муболаға бўлмас. Миллионлаб мухлислар кўз тикиб, умид боғлаб турган ўйинда йигитларимиз ҳаракатлари суст, талабга жавоб бермайди, десак ҳам инсофдан эмас.

Тўғри, Японияда ўтказилган биринчи учрашувда саросимага тушиш бўлди. Ғалаба бой берилди. Лекин Кореяда жила бўлмаганда дурангни ушлаб қолишга имконият бор эди. Тезкорлик етишмади. Ҳимоя чизиғининг бўшлиги кўриниб қолди. Шунингдек, Қозоғистон пойтахтида ўтказилган учрашувда эса ғалаба бой берилди, дейиш мумкин. Ниҳоят, Тошкентда, ўз майдонимизда ўтказилган дастлабки ўйинда мураббийларнинг тажрибасизлиги, кучлар ва имкониятлардан билиб фойдаланмаслиги оқибатида зўр бериб қилинган ҳаракатлар зое кетди.

Тошкентга хавотирланиб ташриф буюрган Япон терма жамоасининг тажрибаси шу бўлдики, халқаро ўйинларга бир-икки кун эмас, балки бир ҳафта олдин келиш самарали кечаркан. Шунингдек, Япон терма жамоасининг мураббийлари ҳам олдиндан дадил сўз айтишга қодир эканлар. Улар: «Биз ғалаба қиламиз, қолган учрашувларни ҳам ютуқ билан якунлаймиз. Гуруҳда Корея билан японларгина йўлланма эгаси бўлишади», дейишганди.

Зеро, учрашув бошидаёқ гап бошқаю иш бошқа эканлиги кўзга кўринди. Терма жамоамиз деярли янгиланган тартибда майдонга тушди. Ҳужумкорликка зўр бериб, ташаббусни ушлаб турдилар. Мудофаа-ю ҳужумда барқарорлик таъминланди. Тезкорликнинг ҳам уддасидан чиқишди. Бу ҳаракатлар ўйиннинг 32-минутида эса самарасини берди. Миржалол Қосимов аввалги учрашувда йўл қўйган хатосини тузатишга интилди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Қамбаралиев дарвозани нишонга олиб, ҳисобни очди.

Учрашувнинг иккинчи қисмида ғалабани мустаҳкамлашга бир неча бор имкониятлар яратилди. Лекин ундан фойдаланишга меҳмонлар йўл бермади. Япон футболчилари саросимага тушиб мағлубиятни деярли тан олиб турганларида, аниқроғи ўйин тугашига икки минут қолганда дарвозабон Бугалонинг қўпол хатоси билан ҳисоб тенглашди. «Қойил Бугало! Уят Бугало!», дегинг келади.

FRANCE 98

Чунки, ўйин давомида кўплаб хатарли, қалтис тўпларни ушлаб қолган Бугало, сўнгги дақиқада ожизлик қилди.

Энди футболчиларимизнинг йўлланма учун на амалий, на назарий жиҳатдан даъвогарлик қилишларига ўрин қолмади. Ҳатто йигитларимиз Корея жамоасини ўз майдонларида енгишса ҳам мухлисларни қувонтиролмайдилар. Фақат Қозоғистон футболчиларини қабул қилиб, «орият» учрашувида ғалаба қозонсак бўлгани.

Ҳайдар НОСИРОВ.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»ДА БАЙРАМЛАР

Халқаро теннис

Намангандаги «Дўстлик» теннис клуби 8 кун байрам оғушида «яшади». Бу ерда профессионал теннисчиларининг «Буюк Ипак йўли» — «Сателлит» саралаш баҳсининг учинчи босқич ўйинлари ўтказилди.

Қадимий Самарқандда бошланиб, Андижонда давом этган турнир, айниқса, Наманганда ҳаяжонларга бой бўлди. Ўзбекистон, Россия, Германия, Исроил каби 12 давлатдан 29 нафар теннисчи қатнашган мусобақаларда омад машқи баланд, маҳорати юқори спортчиларга кулиб боқди.

Ўзбекистон шарафи учун курашган 18 вакилимиз баҳсларни муваффақиятли ўтказдилар. Жумладан, Т. Хонхўжаев — Х. Маҳкамов жуфтлиги билан Россия спортчиларидан В. Хебара — А. Глазаров беллашуви ажойиб ўтди. Ҳамюртларимиз ғалабаси сочилик В. Хебарага қаттиқ таъсир қилди шекилли у ўйин охирида ракеткасини уриб мажақлади. Мағлубият аламига чидамаса қийин экан-да.

Финал якунларига кўра, Словакия теннисчиси Томас Катар якка беллашувларда шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Жуфтликдаги мусобақаларда эса ҳужумкор ўйин кўрсатган исроиллик Михаил Коган билан Анди Ранлар турнир ғолиби номини олдилар.

Турнир тантанали якунланди. Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Тўлқин Жабборов ғолиб спортчиларга эсдалик совғалари топширди.

Турнирнинг якунловчи — мастерс босқичи Фарғона шаҳрида давом этади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Оғриқ нуқталар

ИККИ ЭШИК ОРАСИ

Уйда

— Той бола мактабни битиргандан кейин юрист бўлмоқчи амакиси, — дейди қўшнимиз кун бўйи видео олдидан жилмайдиган ўғилчасини кўрсатиб.

— Яхши, юрист бўлмоқчи экан, демак... — Э, ўқигани билан фойдаси йўқ — гапимни бўлади у. Чўнтакда «кўк»идан бақувват бўлса, ўғилча кўчада қолмас...

Мактабда

Яқинда ўзим таълим олган мактабга бордим. Устозлар, бугунги ёш авлод, синфхоналару ҳовлидаги довдарахтлар ҳам кўзимга қадрдондек кўринди. Гўёки ёшлик йилларимга қайтгандек бўлдим. Ички бир хўрсиниш вужудимни эгаллади. Суҳбат давомида Адолат опа: ҳозир айрим ёшларимиз билим олишга қизиқмай қўйди укажон. Дарсга ҳам номигагина келиб-кетишади. Шу ҳол давом этаверса эрта бир куни қандай бўларкин, деганларини эшитиб ўйга толдим. Дарҳақиқат...

Кўчада

Қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдим. Шаҳардаги хориж моллари билан савдо қилувчи дўконга бир соат давомида 118 киши кирди. Қўшни — китоб дўконига эса, атиги 18 киши.

Боғда

— Мени ҳам, ўзингизни ҳам қийнаманг — дейди эндигина турмуш остонасига қадам қўяётган қиз йигитга қараб. Ота-онангиз овора бўлишади. Мен ўқиган, уйли-жойли, машинаси бор, отаси яхши жойда ишлайдиган... йигитга турмушга чиқмоқчиман.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Мардона-Мавлуда» ХК
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда кўрилади: м-в Чор-Су, 2-уй, 23-хонадон.

Зангиота туманидаги «Баракот» давлат хўжалиги
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой муддат ичида Зангиота тумани Солнечний қишлоғида қабул қилинади: